



(Адабий, маиший танкидий бахслар)

Матбуоти жадидамизинг иккинчи йилига кирилди. Хозирда ўн уч газетамиз ва ўн турли хафталик ва ойлик мажмуаи муакката(Вақгли тўплам (журнал).)ларимиз чикиб турипти. Бу хол мухаррир кардошларимиз ва жамоатимиз учун буюк шарафдир. Жаноби Хак давом ва ривожини берсин.

Ўтган йили газеталаримиз кўллай бошлаган «ерли шевалар» тавҳиди лисон(Тил бирлиги.) ва лисони адабия(Адабий тил.) масаласининг хал килинишига тўсик бўлади, деган кўркув бизни бир оз хавотирга солган эди ва шундан кейин бир неча танкидий маколалар ёзган эдик. Бу йил газеталаримизнинг усул ва услуби тахририясида шу қадар тараккий борки, матбуоти миллиямиз кутилмаган даражада тавҳиди тил ва лисони адабия йўлида суръат ила ҳаракат қилмоқда.

Ўтган йили «танкид» каби ёзган нарсаларимиз хайри-хохона ёзувлар эканлигига қаноат қилинганлиги умиди ила тасалли топмоқдамиз.

«Лисони адабиядан махрум миллат — миллат эмасдир» хикматиға биноан «Таржимон»нинг йигирма беш йилдан бери олиб бораётган қураши бу моддадир! Биргина модда, лекин моддаларнинг асоси, негиз моддасидир.

«Иттифок», «илм», «маориф», «тараккий», «адабиёт», «мухторият» қандай гўзал шиорлар. Лекин ҳар қайси учун энг аввало ва энг зиёда лозим бўлган «лисони адабия»дир.

Мархум Ильминский'нинг собик раҳбари вазири Победоносцев(Машхур миссионер, шарқшунос Н. И. Ильминский (1822-1891).) га ёзган хусусий мактубларининг бирида «Крим миллатчисининг Сибири ячқарисига қадар темир занжир узатиб, турли жинс ва шевада бўлган қавмларни бирлаш-тиришга ва жумласи учун усмонли шевасига яқин бир шева қабул қилдиришга қилаётган ҳаракатлари келажакда Русия давлатини муқаддар(Кўнгилни хира қилмоқ.) ва мутазаррир(Зарар етказувчи.) қилади» дегани, бир жихатдан, муболага ва таассуб бўлса, бошқа жихатдан ишнинг, яъни умумий лисоннинг ахамиятини кўрсатмоқда.

Ақсар мухаррир дўстларимиз умумий лисон ахамиятини билтажриба тушуниб, бу йўлда кадролхол хизмат қила-ётганларидан жуда мамнунмиз.

Матбуотимизнинг яна бир яхши жихати икки, баъзан уч дўстларимиздан бошқалари «маслаки миллия» доираси-да қураш олиб бораётганларидир. Маслаки миллиядан чик-қанларнинг ва қадет бўлганларнинг миллият доирасига қайтганлари бу гўзалликка бир иловадир.

«Қадет» деганим қадетликни ҳақорат, деб ўйланмасин. Фақат миллиятни ҳар нарсадан аъло кўрганим учун «гўзал-лигини» илова қилишга мажбурман.

Мажмуаларимиз орасида гўзал бир шаклдаги нашри ила «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси» дегани, 1907 йили Москвада чикқан журнал.) биринчи мавқеъ қозонди. Лисони адабияси ила «Фуюзот»(1906—1907 йилларда Боқуда чикқан журнал, маъноси: файзлар.) пешқадамдир.

«Ад-дин вал-адаб»(Қозонда 1906—1917 йилларда чикқан журнал.)нинг масоили шаръия(Шариат масалалари.) баҳслари жуда диққатга сазовор.

«Ал-асрул-жадид»(1906—1907 йилларда Уралъскда чикқан журнал.) ҳам гўзал бир суратда чиқарилиб ва боҳусус шоир Тўқаев(Машхур Абдулла Тўқай (1886—1913).) жанобларининг нафис сатрлари ила зийнатланур. «Дабистон(Ўқиш жойи.) ва раҳбар» мажмуаси усули тадрисга жиддий хизмат қилмоқдадир.

Бизнинг «Олами нисвон»(Аёллар олами, 1906 йилда Гаспринский чикарган журнал.) етарли даражада ёйилмаяпти. Хотин-кизларнинг тил билмасликлари ишга катта тўсик бўлмокда. Бу жихатдан, «Олами нисвон» «Таржимон»нинг кечирган мушкулотини бошидан ўтказмокда.

Хажвиётга доир тўрт мажмуамиз орасида «Мулла Насриддин»(1906 йилдан Бокуда Жалил Мамадулизода чикарган журнал.) биринчиликни кўлдан бермай келмокда. Хар сони камоли лаззат ила ўкулиб, расмларидан катта бир ибрат олинмокцадур. Бу каби нашриёт ва расмларнинг огир кўри-лиши табиийдур. Лекин бир оз вақт ўтгандан кейин «Мулла Насриддин»нинг кадру киммати маълум бўлади.

Душман кулгуси огирдир. «Мулла Насриддин» душман эмас, миллий дўст ва хожабдир. Бунинг кулгусига сабр-тоқат лозимдир, чунки шарр(Ёмонлик.) учун эмас, яхшилик учун кулмокцадир.

«Чўкич»(1906—1910 йилларда Оренбургда чиккан журнал.), «Карчига»(ренбург (1906).), «Ўкиар»(Уральск (1906).) хажвиёти «Мулла Насриддин»га солиштирганда, жуда кўпол, жуда содцадир. Расмларини эса, таккослаб хам бўлмайди. Ёрдам сўрасалар, бу дўстларимизга айтадиганимиз бир сўз: «назоқат ва яна назоқат»дир.

Назоқат хар нарсада лозимдир, калам ва адабиётда бо-хусус. Хажв ва танкид адабиётнинг буюк ва энг фойдали қисмларидир. Лекин танкидчи ва мунтақид(Танкид килувчи.) сўзи ва дарси гийбатга ўхшамаслиги учун жуда диққат килмоги лозим.

Матбуотимизда таассуф бўлган бир ҳолда бордир: бу Тошкандда чиккан «Тараккий» ва «Хуршид» дўстларимизнинг тақикпаниши. Ўрта Осиё учун расмий бўлган «Туркистон газети» етарли эмас.

«Таржимон» г., 1907 й., 14-сон  
Исмоилбек Гаспринскийнинг  
"Хаёт ва мамот масаласи" китобидан